

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”

Бошқарувининг

2021 йил « 17 » декабрдаги

« 8 » - сонли қарорига асосан

Бошқарув раиси



А. А. Муратов

**"PERFECT INSURANCE" суғурта ташкилотига 2022 йил учун
белгиланган**

БИЗНЕС – РЕЖА

Тошкент - 2021 йил

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ

2. Устав капитали

2.1. Қонуний талаблар

2.2. Ташкилот устав капитали ҳажми назарда тутилган боскичлар

3. Ташкилотнинг ташкилий тузилмаси

4. Ташкилотнинг ривожланиш стратегияси, мақсад ва вазифалари

4.1. Стратегик кўриш

5. Суғурта бозорининг умумий ҳолати

5.1. Бозорнинг умумий хусусиятлари

5.2. 2021 йил 3-чорак якунлари бўйича суғурта тушумлари ҳақида маълумот

5.3. 2021 йил 3-чорак якунлари бўйича суғурта хизматлари тўғрисидаги маълумот

5.4. Суғурта бозоридаги рақобат даражаси.

6. Бизнес-режа

6.1. Суғурта маҳсулотлари

6.2. 2022 йилда кутилаётган суғурта тушумлари режаси

6.3. Қайта суғурталаш операциялари режаси

6.4. Техник захираларни ҳисоблаш режаси

6.5. Суғурта захираларини бошқариш соҳасида инвестиция сиёсати

1. КИРИШ

Ташкилот номи: "PERFECT INSURANCE" суғурта ташкилоти.

Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси 53Б-уй

Ташкилот фаолияти бошланган сана: 2019 йил 29 май

Лицензия: 05.08.2019 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган 00246-сонли лицензия асосида Умумий суғурта соҳасининг ихтиёрий шаклида суғурта фаолияти бошланган. 19.03.2021 йилдан Молия Вазирлиги томонидан берилган 00015-сонли лицензия асосида Умумий суғурта соҳасининг ихтиёрий ва мажбурий шаклида суғурта фаолиятини амалга оширади.

Устав капитали: 35,0 млрд. сўм

Асосий (ягона) таъсисчи: АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"

2. УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ)

2.1. Қонуний талаблар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412 сонли қарори билан фаолият кўрсатаётган суғурталовчилар учун устав капиталининг минимал ҳажми қуйидагича белгиланган:

(млн. сўмда)

№	Суғурта фаолиятининг турлари	2020 йил 01 июлдан	2022 йил 01 июлдан
1.	Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида ихтиёрий суғурта	15 000	20 000
2.	Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида мажбурий суғурта	25 000	35 000
3.	Фақат қайта суғурта	35 000	45 000

Таъкидлаш жоизки, ҳукумат суғурта компанияларининг устав капиталига қўйиладиган талабларни доимий равишда оширишни режалаштирмоқда. Яқин келажакда талабларнинг қўшимча 50%га ошиши кутилмоқда. Шундан келиб чиқиб устав капиталнинг максимал миқдори 45 млрд. сўм қилиб белгиланиши мумкин.

2.2. Ташкилотнинг устав капитали миқдори босқичма – босқич ошириб борилади.

Ташкилотнинг устав капиталини босқичма-босқич шакллаштириш қуйидагича режалаштирилган:

- 1-босқич – 25 млрд. сўм (шаклланган);
- 2- босқич – 35 млрд. сўм (шаклланган);
- 3-босқич – 45 млрд. сўм (2022 йил III-чорак).

Учинчи босқичда, кейинги 6 ой давомида 45 млрд. сўм устав капиталининг зарур миқдорини шакллантирган ҳолда, ташкилот қайта суғурталаш хизматлари кўрсатилаётган, мавжуд лицензиянинг амал қилиш муддатини максимал даражада узайтиради.

3. ТАШКИЛОТНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



4. ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4.1. Стратегик қараш

Стратегик қараш – бу Ташкилотнинг келажаги бўлиб, унинг ривожланиши ва ташкилот фаолияти асоси бўлган қуйидаги кадриятларни белгилайди:

- Таъсисчи ва унинг мижозларининг бош суғурталовчисига айланиш;
- Суғурта соҳасининг барча жабҳаларида сўзсиз юқори сифатга эришиш;
- Ташкилотнинг рақобатбардошлигини ошириш, унинг инновацион ривожланиши натижасида фойда кўриш;
- Йиллик йиғиладиган суғурта мукофотлари ҳажми, шунингдек, устав капитали ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компаниялари қаторига мустаҳкам кириш.

4.1.1. Таъсисчи ва унинг мижозларининг бош суғурталовчисига айланиш.

Ташкилотнинг уставига мувофиқ, банк фаолиятидаги мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштириш учун унинг фаолияти жараёнида барча рискларни суғурта қопламаси билан қоплаш керак. Суғурта қопламаси анъанавийдан тортиб то эксклюзив ва махсусгача бўлган кенг қамровли суғурта маҳсулотлари бўйича хизматларни, шунингдек, шахсий, мулкӣ ва учинчи шахсларнинг жавобгарлик рискларидан ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

4.2. Келгуси 5 йиллик фаолияти давомида ҳар йили тўпланадиган суғурта мукофотлари ҳажми, шунингдек, устав капитали ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг етакчи суғурта компаниялари қаторига мустаҳкам кириш.

Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича илғор компаниялар қаторидан жой олиш Ўзбекистонда суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича ўтказилаётган тендерларда фаол иштирок этиш имконини беради, бу амалиёт вақт ўтиши билан кенгаяди. Устав капиталининг кўпайиши унинг катта рискларни ушлаб туришини сезиларли даражада оширади ва қайта суғурталашнинг қўшимча ҳажмларини жалб қилади.

Миллий бозордаги мавжуд рақобатбардош вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Ташкилот стратегияси - мижозларга йўналтирилганлигига, яъни мижозларнинг сўровлари ва талабларини тез ва мослашувчан тарзда аниқлаш ва қондиришга ҳамда, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ва унинг тизимидаги корхоналар фаолиятига тегишли бўлган калтисликларни суғурта ҳимояси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

5. СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ

5.1. Бозорнинг умумий хусусиятлари.

Айни пайтда Республикада 41 та суғурта ташкилоти суғурта хизматларини кўрсатмоқда. Улардан 8 таси ҳаётни суғурталаш соҳасига ихтисослашган.

5.2. 2021 йил 3-чорак яқунлари бўйича суғурта тушумлари ҳақида маълумот:

(млн. сўмда)

Т/р	Суғурта компанияларининг номи	Суғурта мукофотлари		
		01.10.2020 й.	01.10.2021 й.	ўзгариш,%да

	Жами:	1 343 694,7	2 149 248,6	160%
1	ООО "Gross Insurance"	197 458,6	271 659,1	138%
2	АО ЭИСК "Узбекинвест"	164 176,84	240 599,1	147%
3	АО "Узгросугурта"	144 190,8	180 765,8	125%
4	АО "Страховая компания Кафолат"	112 465,9	168 223,4	150%
5	ООО "Apex Insurance"	94 586,47	164 482,3	174%
6	ООО "My Insurance"	34 594,68	152 208,5	440%
7	СО ООО "Alfa Invest"	81 019,27	128 769,8	159%
8	СП ООО СК "Euroasia Insurance"	120 047,5	119 655,5	100%
9	ООО СК "Temiryo'l-Sug'urta"	38 232,85	118 951,7	311%
10	АО "Kapital Sug'urta"	31 615,20	60 246,8	191%
11	ООО "Imkon-Sug'urta"	19 625,71	57 860,4	295%
12	ООО "PSB Insurance"	27 221,88	53 433,5	196%
13	ООО "Kafil sug'urta"	33 931,18	48 927,8	144%
14	ООО "Asia Inshurans"	41 354,61	43 088,5	104%
15	ООО "Asko-Vostok"	25 747,73	38 425,9	149%
16	АО "Alskom"	32 398,84	35 597,7	110%
17	ООО "Xalq Sug'urta"	20 840,73	35 007,6	168%
18	САО "Инго-Узбекистан"	28 362,08	33 612,2	119%
19	ООО "Hamkor Sug'urta"	18 197,42	24 194,3	133%
20	ООО "Ishonch BSK"	10 456,20	22 851,8	219%
21	ООО "Inson"	10 916,93	22 273,8	204%
22	ООО "Global Insurance Group"	6 325,82	19 658,7	311%
23	АО "Universal-Sug'urta"	17 461,50	16 026,0	92%
24	СП ООО "Semurg Insurance"	-	15 632,9	-
25	СК ООО "Sharq - Sug'urta"	-	15 416,4	-
26	ООО "DD-General Insurance"	6 354,47	15 317,6	241%
27	СО ООО "Perfect Insurance"	6 146,82	13 872,6	226%
28	ООО "Trust-Insurance"	-	10 187,1	-
29	ООО "Aria Sug'urta Tashkiloti"	-	8 324,7	-
30	ООО "Garant Insurance Group"	6 984,57	7 880,2	113%
31	ООО "Unipolis"	2 210,77	2 838,7	128%
32	ООО "Omad Sug'urta"	10 769,3	2 601,6	24%
33	ИП ООО "Azimuth Insurance Company"	-	656,8	-

5.3. 2021 йил 3-чорак якунлари бўйича суғурта хизматлари тўғрисидаги маълумот:

Суғурта мукофотлари:

Кўрсаткичлар	01.10.2020 й.		01.10.2021 й.		ўзгариш, %да
	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	
Жами	1 587 716,7	100%	2 632 512,0	100%	166%
Умумий сугурта соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан	1 343 694,7	85%	2 156 168,5	82%	160%
- мажбурий сугурта	245 743,8	15%	300 150,2	11%	122%
- ихтиёрий сугурта	1 097 950,9	69%	1 856 018,3	71%	169%
Ҳаётни сугурталаш соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан.	244 022,0	15%	476 343,5	18%	195%
- мажбурий сугурта	17 904,0	1%	19 296,6	1%	108%
- ихтиёрий сугурта	226 118,1	14%	457 047,0	17%	202%

Сугурта тўловлари:

Кўрсаткичлар	01.10.2020 й.		01.10.2021 й.		ўзгариш, %да
	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	
Жами	491 170,6	100%	802 370,8	100%	163%
Умумий сугурта соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан	262 591,0	53,5%	394 234,5	49,1%	150%
- мажбурий сугурта	88 922,7	18,1%	133 090,1	16,6%	150%
- ихтиёрий сугурта	173 668,3	35,4%	261 144,4	32,5%	150%
Ҳаётни сугурталаш соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан.	228 579,6	46,5%	408 136,3	50,9%	179%
- мажбурий сугурта	4 024,8	0,8%	6 401,0	0,8%	159%
- ихтиёрий сугурта	224 554,8	45,7%	401 735,3	50,1%	179%

Сугурта жавобгарликлари:

Кўрсаткичлар	01.10.2020 й.		01.10.2021 й.		ўзгариш, %да
	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	млн. сўм	жамига нисбатан, %да	
Жами	972 681 807,3	100%	1 255 039 559,1	100%	129%
Умумий сугурта соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан	969 909 458,2	99,7%	1 251 185 064,2	99,7%	129%
- мажбурий сугурта	274 231 304,6	28,2%	343 637 682,1	27,4%	125%
- ихтиёрий сугурта	695 678 153,6	71,5%	907 547 382,2	72,3%	130%
Ҳаётни сугурталаш соҳасидаги сугурта ташкилотлари, шу жумладан.	2 772 349,1	0,3%	3 854 494,8	0,3%	139%
- мажбурий сугурта	57 780,5	0,0%	74 454,8	0,0%	129%
- ихтиёрий сугурта	2 714 568,6	0,3%	3 780 040,0	0,3%	139%

Асосан сугурталовчилар ўзларининг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга (жами инвестицияларнинг 58,1 фоизи) жойлаштирилган. 2021 йилда депозит

ставкалари пасайтирилганига карамай, суғурта секторининг ишончилиги ва ҳамкорлиги туфайли маҳаллий банклардаги омонатлар ўтган даврга нисбатан 120 фоизга ошди.

5.4. Суғурта бозоридаги рақобат даражаси.

Суғурта бозорида суғурталовчилар ўртасидаги рақобат асосан бозорнинг мулкӣ сегментида (яъни умумий суғурта тармоғининг 7, 8, 9 ва 10-класслари), шунингдек, шахсий суғурта ва жавобгарлик суғуртаси сегментларида (1, 2, 3-класслар) ривожланмоқда.

Республика суғурта бозорида суғурталовчиларнинг нарх ва нархдан ташқари рақобати мавжуд. Нархлар рақобати ушбу турдаги суғурта шартномасини тузиш таклиф қилинган тариф ставкасига асосланади. Тариф ставкасини пасайтириш ҳар доим суғурталовчининг умумий рўйхатдан ўзининг суғурта хизматларини ажратиб кўрсатиши, суғурталанувчининг эътиборини жалб қилишига асос бўлиб келган.

6. БИЗНЕС-РЕЖА

Ташкилотнинг бизнес-режаси умумий, мажбурий ва қайта суғурта хизматларини кўрсатишдан даромад олишга қаратилган.

Шу билан бирга мавжуд маблағларни самарали бошқариш Ташкилотга маркетинг, андеррайтинг ва Ташкилотнинг кадрлар стратегиясини амалга оширишни таъминлаш, шу жумладан Ташкилотнинг моддий-техник базасини яратиш ва унинг филиаллари ва суғурта марказлари тармоғини кенгайтириш имконини беради.

6.1. Суғурта хизматлари:

Ташкилот дастлабки босқичда ва келажакда суғурта хизматларининг қуйидаги турларини яратиш ва ривожлантиришни режалаштирмоқда:

- ихтиёрий тиббий суғурта;
- чет элга чиқувчиларни тиббий суғуртаси;
- оғир касалликлардан суғурта қилиш;
- темир йўл ҳаракат таркибини суғурта қилиш;
- авиация рискларини суғурта қилиш;
- юкларни барча хавфлардан суғурталаш;
- касбий жавобгарликни суғурта қилиш;
- аудиторлар, баҳоловчилар, божхона брокерлари ва бошқаларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш;
- қурилиш-монтаж рискларини суғурта қилиш (СМР);
- хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берганда етказилган зарар учун жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш;
- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш.

6.2. Таъсисчи ва унинг мижозларига кўрсатилган суғурта хизматлари суғурта мукофотларидан кутилаётган даромадни режалаштириш Ташкилотнинг суғурта фаолиятини ривожлантиришда асосий устувор йўналишларидан биридир. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”, унинг таркибий бўлинмалари ва унинг мижозлари билан молиявий муносабатларнинг иштирокчиларини суғуртага бўлган талабини тўлиқ қамраб олиш бўлганлиги сабабли, Ташкилот

ушбу йўналишда таклиф этилаётган суғурта мукофотларини йиғиш бўйича маълумот тайёрланди.

Тижорат кредитлари бўйича кредит таъминотларини суғурталаш орқали тушадиган суғурта мукофотлари тўғрисидаги маълумотлар:

(минг сўмда)			
Таъминот тури	Суғурта жавобгарлиги	Суғурта тарифи	Суғурта мукофоти
Мулк	21 917 000 000	0,06	13 150 200
Товар-моддий бойликлари	131 650 000	0,1	131 650
Транспорт воситалари	72 750 000	0,8	582 000
Суғурта полис орқали	40 833 333	0,6	245 000
Ускуналар	8 200 000	0,1	8 200
Учинчи шахс кафиллиги	138 100 000	1	1 381 000
Гаров таъминотисиз	38 000 000	1	380 000
Бошқалар	390 000	0,5	1 950
Жами:	22 346 923 333		15 880 000

6.3. Тахминий қайта суғурталаш режаси

Суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотининг бир қисми амалдаги қонунчилик доирасида мажбуриятларнинг активларга нисбати меъёрий кўрсаткичларининг бажарилишига қараб қайта суғурталашга ўтказилади. Қайта суғурталаш операцияларининг асосий ҳажми 1,3,4,7-10 "Умумий суғурта тармоқлари" тоифаларига тўғри келади. 13-16 "Умумий суғурта тармоқлари" синфлари учун қайта суғурталаш суғурта синфи ва аниқ суғурта объектининг таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Суғурта даъволари ҳажмининг кўрсаткичлари синф хавфига қараб ҳисобланади ва бозор конъюнктурасининг ривожланиш жараёнида ва суғурта мукофотларини ундириш ҳажмида фарқ қилиши мумкин.

Йиғилган мукофотлар суғурта захираларнинг ўзгаришида акс еттирилади. Ўтган даврда олинган суғурта мукофотлари бўйича суғурта захиралари улуши билан бирга суғурта захиралари ҳажмининг ошиши кутилмоқда.

6.4. Техник захираларни ҳисоблаш режаси

Ташкилот техник захираларни ҳисоблашда қуйидаги режага амал қилади:

- Ишланмаган мукофотни захиралаш:

бухгалтерия ҳисобининг 1-гурухига кирувчи класслар учун олинмаган бадал базавий суғурта мукофотидан ҳар бир суғурта шартномаси бўйича алоҳида суғурта шартномасининг ҳисобот санасида амал қилиш муддати тугамаган муддатига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади;

бухгалтерия ҳисобининг 2-гуруҳига кирувчи класслар учун олинмаган мукофот ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар асосий суғурта мукофоти миқдорида белгиланади;

- Ҳисобот қилинган, аммо қопланмаган зарарлар учун захира ҳар бир ҳал қилинмаган даъво учун ҳисоблаб чиқилади, қўшимча равишда даъволарни кўриб чиқиш харажатлари учун қопланмаган даъво суммасининг уч фоизи;

- Етказилган, аммо хабар қилинмаган зарарлар учун захира охириги 12 ой давомида олинган асосий суғурта мукофоти миқдорининг 10% миқдорида ҳисобланади.

Йиғилган суғурта мукофотининг 10%дан кўп бўлмаган миқдори режалаштирилган суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирлари қийматидан келиб чиққан ҳолда суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирлари резервига ушлаб қолинади.

Операцион харажатлар, жумладан:

- Ташкилотни сотиб олиш харажатлари (суғурта инфратузилмасини сақлаш харажатлари, агентлик ва брокерлик тўловлари, реклама);

- доимий асосий ходимларнинг харажатлари (иш ҳақи, суғурта хизматларини кўрсатишда бевосита иштирок етувчи ходимларнинг ижтимоий суғуртаси);

- бошқарув харажатлари – тўғридан-тўғри суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ материаллар истеъмолининг тегишли қисми (полис бланкалари, иш юритиш материаллари ва ҳ.к.), бинолар ва жиҳозларнинг эскириши, коммунал тўловлар, биноларни ижарага олиш, алоқа ва телекоммуникация харажатлари, транспорт харажатлари ва бошқалар ;

- харажатлар - солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тегишли қисми йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмини, агентлик тармоғини яратиш ва кенгайтиришни, енг кам ойлик иш ҳақининг кутилаётган ўсишини, коммунал хизматлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, алоқа харажатлари ва бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда оширилади.

6.5. Суғурта заҳираларини бошқариш соҳасидаги инвестиция сиёсати

Марказлаштирилган активларни бошқариш сиёсатига риоя қилган ҳолда, Ташкилот "Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги Низом"га ва қуйидаги активларни жойлаштириш режасига амал қилади:

а) Нақд пулда (банкдаги жорий ва валюта ҳисобварақлари, кассада нақд пулга тенглаштирилган маблағлар - муддати бир ойдан кам бўлган депозитлар) олдинги 12 ой учун ҳисобланган суғурта тўловлари суммасининг камида 3 фоизини сақлаш;

б) Инвестициялар:

- тижорат банкларининг депозитлари - битта банкдаги жами активларнинг - 40 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- кўчмас мулк - битта ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулкдаги активлар миқдорининг - 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

- ҳар қандай юридик шахснинг устав капиталидаги улушли иштироки - ушбу юридик шахс устав капиталининг - 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.